O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2007 йил 18 декабрь ● сешанба ● № 51 (558) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

# 2008 ЙИЛ – ЁШЛАР ЙИЛИ




*Мамлакат ёшлари ҳаётига эътибор — ижтимоий сиёсатнинг устувор вазифаларидан биридир.*

*Президентимиз республика Конституциясининг 15 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанада бунга яна диққат-эътибор қаратиб, 2008 йилни «Ёшлар йили» деб эълон қилди. «... 2008 йилга «Ёшлар йили» деб ном беришимиз муносабати билан тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида махсус давлат дастурини ишлаб чиқишимиз ва амалга оширишимиз зарур...»лигини алоҳида таъкидлади.*

*Демак, биз ёшлар бу эътиборга муносиб бўлишимиз шарт.*

*Маълумки, республикамизда таълим соҳасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Айниқса, "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"нинг жорий этилиши мамлакатимиз таълим тизимида туб бурилиш ясади. Ушбу ҳужжатлар билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир неча фармони, ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, тизимда кенг миқёсда ислоҳотлар амалга оширилди.*

*Ана шу ислоҳотларнинг самараси ўлароқ ташкил этилган Тошкент давлат юридик институти қошидаги академик лицей ҳам бугунги кунда мингга яқин ўғил-қизларга таълим-тарбия бериб келмоқда. Яъни, ўз йўналишидан келиб чиқиб, иқтидорли ўқувчилар ижтимоий-гуманитар йўналишдаги олий ўқув юртларига тайёрланади. Академик лицей замонавий услубда бунёд этилган бўлиб, жаҳон андазаларига мос 2 та информатика хонаси, Жанубий Корея кредити ҳисобига келтирилган энг сўнгги ўқув жиҳозлари ўрнатилган физика, биология, химия ўқув-лаборатория хоналарига эга. Шунингдек, лицейда Украина Республикаси ва Жанубий Корея жиҳозлари билан таъминланган лингофон хонаси, кутубхона, спорт майдончаси ва зали, радиоузель хоналари талабалар хизматида. Бир сўз билан айтганда, бугун бу масканда маънан етук, жисмонан баркамол авлод камол топмоқда.*

*Суратларда: академик лицей фаолиятидан лавҳалар.*

*Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар*





## Келажакка эътибор

### 1993 йил 4 март

*«Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди.*

### 1993 йил 23 апрель

*«Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилди.*

### 1994 йил 13 июнь

*Вазирлар Маҳкамаси «Ёшларнинг ҳуқуқий таълимини такомиллаштириш комплекс дастури тўғрисида» қарор қабул қилди.*

### 1999 йил 10 июнь

*Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди.*

### 2000 йил 25 август

*Ўзбекистонда ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш «Ниҳол» мукофоти жорий қилинди.*

### 2001 йил 25 апрель

*«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил топди.*

### 2006 йил 14 март

*Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон ёшларининг «Келажак овози» республика танловини ҳар йили ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди.*

### 2007 йил 18 май

*Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.*



*23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни*

## ФУҚАРОЛАРНИНГ САЙЛОВ ЖАРАЁНИДАГИ ИШТИРОКИ

**Сайлов жараёнидаги муносабатлар бевосита Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинади. Уларда белгиланган нормалар сайлов тўғрисидаги халқаро демократик талабларга тўла мос келади.**

Сайловчилар ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириш ва яширин овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар. Участка сайлов комиссиялари овоз беришни махсус ажратилган биноларда ташкил этиб, фуқароларга ўз хоҳиш-иродасини эркин ва яширин равишда билдириш имкониятини яратадилар. Сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини билдиришларини назорат этишга йўл қўйилмайди.

Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунида 18 ёшга тўлган, тегишли сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи сайловчилар рўйхатининг фақат биттасига киритилиши мумкин.

Сайловчиларга участка сайлов комиссиясининг биносида сайловчилар рўйхати билан олдиндан танишиб чиқиш имконияти яратилади. Улар сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар ва айрим номзодларнинг келгуси фаолият дастури билан танишиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайлов куни сайловчиларга бузиб қўйилган сайлов бюллетенини янгиси билан алмаштириб олиш ҳуқуқи кафолатланади, буни тегишли сайлов комиссияси амалга оширади.

Сайлов куни ўз турар жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар олдинроқ овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар. Масалан, яқинда муқаддас Ҳаж зиёратига жўнаб кетган ватандошларимизга шундай ҳуқуқдан фойдаланиш имконияти берилди.

Саломатлигининг ҳолати ёки бошқа сабабларга кўра, овоз бериш биносига кела олмайдиган сайловчилар участка сайлов комиссиясига тегишли илтимос билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Сайлов комиссияси овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросига унинг сайлов ҳуқуқлари суд йўли билан ҳимоя этилиши, сайлов комиссияларининг, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан судга шикоят қилиш имкониятлари кафолатланади.

Фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш, референдумда иштирок этиш, сайловолди ташвиқотини олиб боришдан иборат ҳуқуқларидан фойдаланишларига куч ишлатиш, алдаш, қўрқитиш орқали ёки бошқа йўллар билан тўсқинлик қилиш, шунингдек, ҳужжатларни сохталаштириш, овозларни атайин нотўғри санаш, референдум ёки сайлов тўғрисидаги, Президент сайлови ҳақидаги, ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайлов тўғрисидаги қонунларни ўзгача тарзда бузиш Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг **«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»**ги Қонунининг 2-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга. Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳволига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулот тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суднинг ҳукмига мувофиқ озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашмайдилар.

Сайловнинг қизғин демократик руҳда ўтиши фуқароларнинг сайловда иштирок этиш даражаси билан белгиланишини назарда тутсак, ўтказиб келинаётган сайловлар мисолида халқимизнинг бу борада фаоллигини таъкидлаш ўринлидир.

**Даврон ЯКУБОВ,**
**ТДЮИ «Фуқаролик процессуал ҳуқуқи» кафедраси ўқитувчиси**

## МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» НИГОҲИДА

**Фуқаро О.Суярованинг ўғли Ш.Суяров иш вақтида тан жароҳати олганлиги ҳолати бўйича айбдор шахсларга чора кўрилмаётганлиги ҳамда даволанишга сарфланган харажатлар корхона томонидан қопланмаётганлиги хусусида «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетасига йўллаган аризаси Бош прокуратура томонидан кўриб чиқилди.**

### ҚЎШИМЧА ТЕКШИРИШГА ЮБОРИЛДИ

Аниқланишича, Ш.Суяров иш вақтида электр токидан шикастланиб, ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати олганлиги ҳолати бўйича олиб борилган терговолди текширув натижаларига кўра, 2007 йил 20 ноябрь куни Нарпай туман прокуратураси томонидан ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Мазкур қарор Самарқанд вилояти прокуратураси томонидан назорат тартибида ўрганиб чиқилиб, айрим ҳолатларга аниқлик киритиш ҳамда аризада кўрсатилган важлар юзасидан қўшимча текшириш ўтказилиши лозимлиги инобатга олиниб, 2007 йил 6 декабрь куни бекор қилинди ва тўпланган ҳужжатлар қўшимча текшириш ўтказиш учун Нарпай туман прокуратурасига юборилди.

Текширишнинг бориши Бош прокуратура томонидан назоратга олинган.

**О.НАБИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Прокуратура органларида терговни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи, адлия маслаҳатчиси**

**Фуқаро Ё.Ҳайдаровнинг «Тошиссиқликқуввати» ИЧБнинг Чилонзор бўлими масъул ва мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб, «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетасига йўллаган аризаси Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан текширилди.**

### ТАҚДИМНОМА КИРИТИЛДИ

Текширув жараёнида, «Тошиссиқликқуввати» ИЧБнинг Чилонзор бўлими томонидан 2005 йилнинг 1 мартидан 2007 йилнинг 1 июль кунигача бўлган даврда Ё.Ҳайдаров томонидан тақдим этилган ҳужжатларга асосан иссиқ сув учун ёзилган тўловлар қайтадан ҳисоб-китоб қилиниб, унинг ҳисобига 91539,13 сўм ўтказилди.

Шунингдек, Чилонзор тумани прокуратураси томонидан «Тошиссиқликқуввати» ИЧБ унитар корхонаси раҳбари номига Чилонзор бўлимининг масъул ва мансабдор шахслари томонидан йўл қўйилган қонунбузилишлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилди.

**М.МИРЗАЕВ,**
**Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси**

## «Обуна – 2008»

### *Муҳтарам газетхон!*



*Тадбиркорлик, кенг оммани қизиқтирган ҳуқуқий масалалар, адвокатура, нотариал идоралари, ФҲДЁ, хуллас, суд-ҳуқуқ тизимига оид барча мавзуларда тўлақонли чиқишлар қилинмоқда. Айниқса, кишиларни қизиқтирган саволлар, таҳририятга юборилаётган хатлар — фуқаролар мурожаатларига ўз вақтида жавоб берилмоқда.*

*Шуни айтишимиз керакки, ҳеч бир хат, ҳеч бир мурожаат беэътибор қолмайди! Газетамиз саҳифаларида сизнинг ҳақ-ҳуқуқларингиз ҳақида мунтазам равишда мақолалар бериб борамиз. Зеро, қонун — инсон ҳаётининг энг муҳим ҳимоя воситасидир. Қонун — энг тўғри йўл. Инсон қадр-қиммати, шаъни, тақдир аъмоли қонун доирасида ҳимоя қилинсагина, унинг манфаатлари улуғланган бўлади.*

*«Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси мамлакатимизда ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бораётган, демократик тамойилларга мос давлат барпо этишнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилаётган, иқтисодий ислоҳотлар борасида таҳлилий мақолалар бериб бораётган нуфузли нашрлардан бири ҳисобланади.*

*«Инсон ва қонун» ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари учун ҳам муносиб минбар!*

*Газетамиз мақсад-муддаосини тушунган ўқувчиларимизга эса шу нуқтаи назардан хулоса чиқариб, обуна бўлишга шошилинг, деймиз!*

**Нашр кўрсаткичи:**
**137 — якка тартибдаги обуначилар учун;**
**138 — ташкилотлар учун;**

## Адлия ёрдам берди

**Мамлакатимизда иқтисодий тараққиётимизнинг муҳим бўғини саналган тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кўплаб қонун ҳужжатлари яратилди. Тошкент вилоят адлия бошқармасининг «Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» бўлими томонидан жорий йилнинг тўққиз ойи давомида иш режасига асосан вилоятнинг 19 туман ва шаҳарларида ушбу қонун ҳужжатларининг ижросини ўрганиш юзасидан текширувлар ўтказилганда 921 та қонун бузилиш ҳолатлари аниқланди.**

# ҚОНУН БУЗИЛИШ

## ҳолати аниқланди



Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йилдаги **«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони талаблари амалда бажарилмай, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ноқонуний тўхтатиб қўйиш ҳолати бўйича 44 та, ноқонуний банк ҳисоб рақамларини ёпиб қўйишда 2 та, ноқонуний молиявий санкция қўллашда 1 та, жами 59 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Мазкур ҳолатлар юзасидан 21 та тақдимнома, 3 та огоҳнома, 5 та маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича таклиф киритилди. Шунингдек, тадбиркорлардан ноқонуний ундирилган 2.441.874 сўм эгаларига қайтарилди ва 4 та ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилиб, 3 нафар мансабдор шахс жиноий, 13 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Қонун ҳужжатларининг жойлардаги ижросини ўрганиш давомида тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини суд орқали тиклашга алоҳида эътибор қаратилиб, етказилган зарарларни бевосита айбдор шахслар ҳисобидан ундириш чоралари кўрилмоқда.

Жумладан, тадбиркорлик субъектларига етказилган 863.366 сўм моддий ва маънавий зарарни мансабдор шахслардан ундириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича судларга 21 та даъво аризалари киритилди. Ҳозирда даъволар тўлиқ қаноатлантирилиб, 42 та мансабдор шахсдан 758.366 сўм моддий, 105.000 сўм маънавий зарар ундирилди.

2007 йил 9 ойи ҳолатига кўра, жами 386.771.921 сўмлик 70 та даъво аризалари киритилиб, судлар томонидан қаноатлантирилди.

Айрим жойларда тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини амалдаги қонунларни била туриб, тўхтатиб қўйиш ҳолатлари содир бўлаётганлиги ачинарли ҳолдир. Мисол учун, АТ «Ҳамкорбанк»нинг Олмалиқ филиали томонидан «Зуҳал савдо» ХИЧТКнинг ҳисобварақлари бўйича операциялари тўхтатиб қўйилганлиги аниқланди. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқоридаги Фармонида тадбиркорлик субъектларининг банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларини тўхтатиб қўйиш фақат суд тартибида амалга оширилиши белгиланган. Вилоят адлия бошқармаси киритган тақдимнома ижросига кўра, «Ҳамкорбанк» Олмалиқ филиали бош ҳисобчиси О.Парпибоев жиноий ишлар бўйича Олмалиқ шаҳар судининг қарори асосида маъмурий жаримага тортилди.

Текширув давомида, шунингдек, Бекобод, Бўка, Олмалиқ, Оққўрғон шаҳар ва туманлари ДСЭНМлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятларини юқорида қайд этилган Фармонга зид равишда ноқонуний тўхтатиб қўйиш каби ҳолатлар аниқланди. Уларга нисбатан тегишли чора-тадбирлар кўрилиб, тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарар қопланди.

Юртимиздаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясига қаратилган мавжуд қонун ҳужжатларининг жойлардаги ижросини таъминлаш вилоят адлия бошқармаси ходимларининг доимий назоратида бўлган юксак масъулиятдир.

**Иброҳим ҲОТАМОВ,**
**Тошкент вилояти адлия бошқармасининг масъул ходими,**
**Фарида ҚОРАҚУЛОВА,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

## Учрашув

# МАЪНАВИЯТ САБОҚЛАРИ

**Адлия вазирлигида Тошкент Ислом университетининг хаттот ўқитувчиси Ҳабибулло Солиҳ билан учрашув бўлиб ўтди. “Ўзбекистонда хаттотлик санъати” мавзуида ўтказилган мазкур учрашувда Ҳабибулло Солиҳ хаттотлик санъатининг тарихи, аждодларимиз закосининг юксак ифодаси саналган хаттотлик намуналари ҳақида батафсил сўз юритди.**



Ҳикматларни гўзаллик уйғунлигида тасвирлаш ва одамларга етказиш хаттотлик санъатининг ўзига хос аҳамиятли жиҳатларидан бири эканлигини таъкидлади. Тарихий обидалар, осори-атиқалар, ҳатто турли матолар, буюмларга ишланган бирбиридан чиройли нақшларда оятлар, ҳикматли сўзлар битилганлиги ва улар кишилар маънавиятини бойитишга хизмат қилганлигини айтиб, бунга кўплаб қизиқарли мисоллар келтирди. Хаттотлик санъатининг нафақат маданиятимиз тарихида, балки жаҳон маданияти тараққиётида ўзига хос ўрни борлиги хусусида фикр юритди.

**Дилором МАТКАРИМОВА ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

***

**Суратларда: учрашувдан лавҳалар**
**Бахтиёр АКРОМОВ олган суратлар**

# ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР

## адолат кафолати

**Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижасида инсон ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси борасида жиноий жазоларни либераллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноятларнинг таснифи тубдан қайта кўриб чиқилди ва ўзгартирилди.**

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз жиноят қонунчилигида 33 та ўта оғир жиноятлар таркиби бўйича ўлим жазоси назарда тутилган бўлса, 1994 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида бу моддалар сони 13 тагача, кейинчалик 8 тадан 4 тагача, 2003 йилда эса 2 тагача қисқартирилди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2005 йил 1 августдаги **«Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»**ги, 2005 йил 8 августдаги **«Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»**ги Фармонлари умуминсоний қадриятларнинг ижтимоий ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олаётганлигини кўрсатиб берувчи энг муҳим омил бўлди, дейиш мумкин. Фармонга кўра, Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси 2008 йил 1 январдан эътиборан бекор қилинади. Шунингдек, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишни жорий этиш ҳам 2008 йилнинг 1 январидан амал қила бошлайди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жаҳондаги 86 та мамлакат қонунчилигида ўлим жазоси жазолар тизимидан чиқарилган, 11 та мамлакатда эса фақат уруш ҳолатидагина ўлим жазоси қўлланилиши мумкин, 24 та мамлакат қонунчилигида эса ўлим жазоси назарда тутилган бўлсада, амалда қўлланилмайди, яъни мораторий эълон қилинган.

Ўзбекистонда эса Олий Мажлис Сенатининг ўниччи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикасининг **«Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги Қонуни қабул қилинди.

Ушбу Қонунга кўра, ўлим жазоси жиноий жазолар тизимидан чиқарилди. Унинг умрбод ҳамда узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилиши инсон ҳаёти олий қадрият эканлигини исботлаш билан бирга, Ўзбекистонда демократик ўзгаришлар жараёнини амалда исбот этди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар самараси натижасида мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилинишини адолатли ва инсонпарвар фуқаролик жамияти сари қўйилган дадил қадам, деб баҳолаш мумкин.

Юртбошимизнинг жиноий жазолар тизимини тубдан ислоҳ қилиш ғоясининг яна муҳим аҳамияти шундаки, бунда оғир жазолар тайинлаш сиёсатини кескин юмшатиш, айни вақтда, иқтисодий санкциялар ҳамда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа муқобил жазоларни кенг қўллаш орқали жиноятчиликка таъсирчан зарба бериш имконини беради.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенати мажлисида қамоққа олиш санкциясини судларга ўтказиш борасида ҳам тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Бу эса суд-ҳуқуқ тизимидаги туб ислоҳотлар самарадорлигини оширишда муҳим қадам ҳисобланади. Масалан, жиноят процессининг судгача бўлган босқичида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини чеклашга дахлдор масалалар устидан суд назоратини кучайтириш назарда тутилади. Яъни шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, бошқа турдаги процессуал мажбурлов чораларини қўллаш бўйича санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши мамлакатимизда ҳуқуқий демократик жараёнларнинг тобора чуқурлашиб бораётганлигини кўрсатади.

**«Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»**ги ҳамда **«Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»**ги Фармонларнинг ўта муҳим аҳамиятга эга эканлиги суд-прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўртасида мазкур қонун ҳужжатларини ўрганиш, ҳаётга татбиқ этиш борасида илмий-амалий анжуманлар, давра суҳбатлари, ўқув-семинар машғулотларини ўтказиш, кенг халқ оммаси ўртасида тушунтириш ишларини кучайтиришни тақозо этади. Чунки, жиноятларнинг камайишига эришиш фуқароларнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ҳам бевосита боғлиқ.

Ҳуқуқий ислоҳотларнинг энг муҳим босқичини бошлаб берган, юксак инсонпарварлик намунаси ҳисобланган ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисидаги фармонларнинг амалдаги ижроси жиноятчиликнинг камайишига замин яратиши билан бирга, инсонлар ўртасида ўзаро ҳурмат муҳити вужудга келишига, адолат ва шафқат каби эзгу қадриятларни уйғотишга, фуқароларда давлатга нисбатан ишонч туйғусини оширишига, дунё ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини янада юксалтиришига шубҳа йўқ.

**Шухрат ЮЛДОШЕВ,**
**Навоий вилояти прокурори ўринбосари, адлия маслаҳатчиси**










## Ибрат

**Яқинда қадрдон дўстимнинг табаррук ёшдаги отасини зиёрат қилгани бордим. Тўкин дастурхон атрофида фарзандлару набиралар, келинлар жамулжам. Ҳол-аҳвол сўрашганимиздан сўнг отахон ноз-неъматларнинг энг улуғи — нондан ушатди. Шу топда уйга ҳовлиққанча дўстим кирди.**



# ДОРИЛОМОН КУНЛАР ҚАДРИ

— Бўлақол, оғайни, кетдик, кеч қоламиз, — деди у дабдурустдан.

Унинг бу ҳаракатидан отахон оғрингандай бўлди.

— Ўтир. Бир пиёла чой ич, эрталабки ризқдан қайтма, ўғлим. Бир бурда бўлса ҳам нон тишла. Шунда ишинг юришади. Меҳнатинг унумли бўлади. Қолаверса, нон ушатилган чоғда туриб кетмайдилар, бу нонга нисбатан ҳурматсизлик бўлади.

Отахоннинг шу гапидан сўнг дўстимнинг шашти пасайди. Узр сўраб, чўккалади. Сўнг бир бурда нонни олиб, кўзига суртди. Ўғлининг хатти-ҳаракатини кузатиб турган отахон унинг елкасига меҳр билан қоқаркан, нонга термулганча чуқур ўйга толди.

... Ғулом тоғанинг ёшлиги оғир пайтларга тўғри келган. Юрт очарчиликни бошидан кечираётган кезлар. На дони, на бир ҳовуч уни қолмаган одамлар баҳорни, тут пишишини интизорлик билан кутарди. Ғўра, ҳали сув юрмаган тутга кўз тикканлар сон мингта эди. Шундай кунларнинг бирида хўжалик идорасида буғдой тарқатилаётгани ҳақида хабар келиб қолди. Шуниси қизиққи, «актив»лар минг айтгани билан ҳеч ким маҳалладаги азим тут дарахти остидан кетгиси келмасди.

Сабаби, боришса-ю, дон етмай қолса, умидсизлик кучайиши турган гап эди. Шуларни ўйлаб, отахон бизга қараб деди:

— Бугунги дориломон кунларни қаранг. Одамларнинг егани олдида, емагани ортида.

Кўча четида бола қўлиданми, бошқа сабабданми тушиб қолган нон бўлакларига эътибор қилмаётганлар, қани энди, нонга зор бўлинган ўша йиллар ҳақида билса...

**Юнус ЗИЁДОВ**

## Юрт манзаралари

# «ҲИСОР»НИНГ МИНГ БИР МЎЪЖИЗАСИ

**Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаши туманларидаги тоғли ҳудудларни ўз ичига олган Ҳисор давлат қўриқхонасининг умумий ер майдони 80986,1 гектарни ташкил этади. Мазкур қўриқхона Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1983 йил 9 сентябрдаги 521-сонли қарорига асосан Мироқи ва Қизилсув қўриқхоналарини бирлаштирган ҳолда ташкил этилган.**

Қўриқхона директори ўринбосари Б.Оромов ва назоратчилар гуруҳи бошлиғи В.Худяковнинг эътироф этишича, Ҳисор давлат қўриқхонаси ўзига хос нуфузга эга бўлиб, республика Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси тизимига бўйсунади. У денгиз сатҳидан 1750 метрдан 4349 метргача баландликда жойлашган. Қонунга асосан ҳудудда жойлашган ер, сув, тоғлар, табиат олами, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси қўриқхона тасарруфига кириб, у ерда қўриқхона доирасига кирмайдиган бошқа хўжалик ишларини юритиш ман қилинади.

Қўриқхонанинг 4 та, яъни Ғилон бўлими 18838 гектар, Танҳоз бўлими 20233 гектар, Мироқи бўлими 11821 гектар, Қизилсув бўлими 30094 гектар ер майдонларига эга бўлиб, улар асосан ўрмон билан қопланган ҳамда дарё ва кўллар, ботқоқликлар, музликлар, қоя ва жарликлардан иборат. Ҳисор атамаси «қўрғонли тоғ» маъносини билдиради. Тоғлар қўйнидаги сон-саноқсиз тош қўрғонларнинг ҳар бири мўъжиза бўлса, ундаги ҳайвонот ва наботот олами ҳам ўзгача бир мўъжизадир. Уларни асраб-авайлаб, келажак авлодга етказиш эса бизнинг бош вазифамиздир. Заминнинг тош китоблари варақларида қотган динозавр изларидан ким ҳайратга тушмайди, дейсиз?! Ёки осмон гумбази остида жойлашган Ҳазрат Султон зиёратгоҳига ким талпинмайди? Узунлиги 670 метрдан зиёд Амир Темур ғорига бош суқсангиз, қанчалар ҳайратланасиз. Ҳўкизбурун ва Сувтушар, Хўжақулбарс шаршаралари бўйига яқинроқ борсангиз, заминга садоқат сабоғини сувдан оласиз. Северцова ва Ботирбой музликларининг абадий туриши, ҳеч қачон эриб кетмаслиги кечаги, бугунги, келажак авлод бахти. Шу музликлардан бошланган Оқсув дарёси оппоқ мавжланиб оққани учун ҳам шаҳри Кеш, яшил шаҳар Шаҳрисабз номини олган.



Қўриқхона ходимлари йил мобайнида бўладиган мавсумий ўзгаришлар, обҳаво, қор захираси, дарё сувларининг кўпайиши, турли табиий офатлар — тарма тушиши, қор кўчиши, ўсимликларнинг кўпайиши, шунингдек, ҳайвон ва қушларнинг фенфазаларини ўрганиб, 16 та йўналиш асосида тегишли ахборотлар тайёрлайди.

Қўриқхонада «Қизил китоб»га киритилган қор қоплони, айиқ, болтаютар, силовсин, қорғажири, ҳилол, каклик, кийик, суғур ва бошқа жами 15 турдаги ёввойи ҳайвон ва қушлар, Бобров астрагали, Зарафшон парписи, Бухоро тангаўти, оқлола, Ўзбекистон чиннигули, илонбарг пиёз каби ноёб ўсимликларнинг жами 38 хили асраб-авайланади ва кўпайтирилади. 32 нафар назоратчи кечаю-кундуз тоғ-тошларни кезиб, ҳар бир бута ёки ёввойи ҳайвонни назардан қочирмайди.

Ғилон бўлими назоратчилар гуруҳи бошлиғи Мамарайим Ниёзов, Мироқи бўлими бошлиғи Абдулаҳат Ғаниев, Қизилсув бўлими бошлиғи Ўрмон Содиқовлар ўз касбининг фидойилари ҳисобланади.

Жорий йилнинг 10 ойи давомида назоратчилар томонидан 17 та қонунбузарлик аниқланиб, айбдорлар тегишли тартибда жаримага тортилган. Табиатга келтирилган зиён бўйича қонунбузарлардан 1 миллион 247 минг сўм ундирилган.

Ҳисорнинг минг бир мўъжизасини ўз кўзи билан кўришга ошиқаётганлар билингки, она табиат, наботот ва ҳайвонот олами ҳамиша меҳр ва эътиборга муҳтож.

Зеро, уларни асраб қолиш нафақат она табиат олдидаги, балки келажак авлод олдидаги бурчимиздир.

**Ғози РАҲМОН,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

**Бобурийлар салтанати 300 йилдан кўпроқ вақт давом этди. Ҳиндистон давлати ривожланишида бобурийлар сулоласи катта роль ўйнайди. Дунёдаги етти мўъжизадан бири — Тож Маҳални қурдирган ҳам шу авлод вакилидир. Бобурийлар авлодидан Султон Шоҳ Жаҳон Тож Маҳални бунёд этиб, Аграннинг шуҳратини оламга ёйди.**

## Илоҳий муҳаббат

# СЕВГИ ҚАСРИ



Ўн тўққиз ёшида шаҳзода Гурам (келажакда Шоҳ Жаҳон)нинг иккинчи хотини бўлган Аржуманд — Мумтозмаҳал шаҳзоданинг севимли рафиқаси оғир ва суронли йилларда яқин сафдоши бўлган.

1627 йилда Шоҳ Жаҳон тахтни эгаллаганидан сўнг Мумтозмаҳал бегим Ҳиндистон маликасига айланади. Шоҳ Жаҳон рафиқасини ниҳоятда қаттиқ севар, ҳурматини жойига қўяр, унинг шарафига катта-катта тантаналар ўтказарди. Уни еру кўкка ишонмасди. Мумтозмаҳал тўққиз фарзанд кўради. Шаҳзода фарзандларининг барчасини яхши кўрарди. Бироқ Мумтозмаҳал унинг учун ҳамма нарсадан устун эди. Аммо тақдирнинг бевафолигини қарангки, 1636 йилда Мумтозмаҳал тўсатдан касал бўлиб вафот этади. Шоҳ Жаҳонга эса айрилиқ қаттиқ таъсир қилади. У беҳуш бўлиб ётиб қолади. Уни давлат ишлари ҳам қизиқтирмай қўйди. Унинг учун дунё батамом тугагандек эди. Ўйлай-ўйлай у бу аҳволда ўзини хароб қилишини тушуниб етди. Севимли рафиқаси ўлими олдидан Шоҳ Жаҳонга ўз муҳаббатларига муносиб мақбара қуришни васият қилганди. Шоҳ Жаҳон ана шу васиятни бажаришга киришди.

Турк меъмори Устод Муҳаммад Исохон афанди бошчилигида 20 минг бинокор, тош йўнувчи заргарлардан иборат усталар мақбара қуришни бошлаб юборишди. Турли эл-элатларнинг вакиллари бу муҳаббат қасрини қарийб йигирма йил давомида қурдилар.

Шоҳ Жаҳон Исохон афандига шундай амр этганди: «Сен гўзал ойнинг шаффоф нурини тошларга сингдир, ёруғ юлдузлар шуъласидан деворларга нақшлар чиз. Шундай кашфиёт айлагилким, қуёшнинг само бўйлаб ҳаракатига қараб бу гўзал севги кошонаси турли рангга кириб, биллурдек товлансин. Турли рангдаги ҳақиқ, лаъл, марварид, садаф, зумрад, забаржад, қаҳрабо, ёқут ва бошқа қимматбаҳо тошлардан шундай инжа нақшлар ишлагилки, ишқ-муҳаббат, меҳр-садоқат туйғулари уларга жон киритсин. Агар билсанг, севги ноёб туйғудир, у Аллоҳнинг меҳри тушган кишигагина насиб этгусидир».

Тож Маҳал қуриб битказилгач, Шоҳ Жаҳон ўзи учун айнан шундай, лекин қора мармардан ишланган мақбарани Жамна дарёсининг нариги қирғоғида барпо этишга киришди. Режага мувофиқ, ҳар икки мақбара қора ва оқ мармардан ишланган кўприк орқали боғланиши керак эди. Аммо Шоҳ Жаҳоннинг бу режаси амалга ошмай қолади. Чунки унинг ўғиллари ўзаро тахт талашиб, бир-бирлари билан курашардилар. Бунда Аврангзеб ғолиб чиқади. У отаси Шоҳ Жаҳонни ҳибсга олиб, Лаъл қальасига ташлайди. Аврангзеб отаси ўлгач, васиятга мувофиқ унинг жасадини Тож Маҳалга, Мумтозмаҳал ёнига кўмишни буюради. Неча-неча йиллар, асрлар ўтса ҳамки, ушбу муҳаббат қасри инсониятни ҳайратга солиб келмоқда. Ҳар йили бу муқаддас жойга оила қураётган минглаб ҳиндистонлик ёшлар келиб зиёрат қилишади. Улар учун бу жой табаррук масканга айланган.

**Иззат АҲМЕДОВ**
**тайёрлади**


**ЭЪЛОН!**

**Андижон вилояти адлия бошқармаси Андижон туман 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

*Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

*Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.*

**Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.**

**Андижон вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8374) 222-30-89, 224-66-93**


**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълум қилади: вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2007 йил 24 ноябрдан 7 декабргача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги суд ижрочилари қарорларини ҳисобини юритиш ва уларнинг ундирилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2007 йил 24 ноябрдаги 226-мҳ-сонли буйруғи.*

**2007 йил 24 ноябрда 1741-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 4 декабрдан кучга киради).**

2. «Ҳисоб-китоблар маълумотномасини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 10 ноябрдаги 245-В-2, 01-02/19-37-сонли қарори.*

**2007 йил 26 ноябрда 1137-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 6 декабрдан кучга киради).**

3. «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 17 ноябрдаги 31/1-сонли қарори.*

**2007 йил 27 ноябрда 1648-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 1 январдан кучга киради).**

4. «Фавқулодда ҳолатларда Ўзбекистон телекоммуникациялар тармоқлари ва ресурсларини марказлашган ҳолда бошқаришнинг умумий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Вазирлар Маҳкамасининг ҳукумат алоқаси хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 31 октябрдаги 02-8/3189, 15, 132, 8, 206, 17-сонли қарори.*

**2007 йил 27 ноябрда 1742-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 7 декабрдан кучга киради).**

5. «Фавқулодда ҳолатларда телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш, улардан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Вазирлар Маҳкамасининг ҳукумат алоқаси хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 31 октябрдаги 02-8/3191, 16, 133, 9, 207, 18-сонли қарори.*

**2007 йил 27 ноябрда 1743-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 7 декабрдан кучга киради).**

6. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида маълумот шакли ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2007 йил 30 октябрдаги 98-сонли буйруғи.*

**2007 йил 29 ноябрда 1744-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 9 декабрдан кучга киради).**

7. «Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директорининг 2007 йил 30 октябрдаги 2007-10-сонли буйруғи.*

**2007 йил 5 декабрда 1745-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 15 декабрдан кучга киради).**

8. «Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2007 йил 17 октябрдаги 93-сонли буйруғи.*

**2007 йил 5 декабрда 1746-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 15 декабрдан кучга киради).**

9. «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ғазначилик ижроси бухгалтерия ҳисобининг ягона ҳисоблар режасини тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2007 йил 23 ноябрдаги 102-сонли буйруғи.*

**2007 йил 5 декабрда 1570-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 15 декабрдан кучга киради).**

10. «Ўзбекистон Республикаси Товар хом ашё биржаси томонидан пахта шроти ва шелухасини сотиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 3 декабрдаги 36, 103, 01/19-18/16-ЎзРТСБ-сонли қарори.*

**2007 йил 6 декабрда 1623-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 16 декабрдан кучга киради).**

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Бюджетдан маблағ тақсимловчи (олувчи)ларнинг шахсий ҳисобварағини очиш ва ёпиш ҳақида вақтинчалик қоидалари ва 1-сонли ўзгартиш ва қўшимчалар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1600, 24.07.2006 й), (рўйхат рақами 1600-1, 25.10.2006 й).

*Адлия вазирининг 2007 йил 5 декабрдаги 233-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**


**ЭЪЛОН!**

**Бухоро вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2007 йил 3 декабрдаги 21-сон қарори билан Бухоро вилояти адлия бошқармаси томонидан Мардонов Бахром Болтаевич номига 2004 йил 4 майда берилган ВН 000082 рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши 1 (ой) муддатга тўхтатилди.**


## Чақмоқтош

# КИРЕНАЛИК АРИСТИПП (Милоддан аввалги 430-355 йиллар)



**«Фалсафанинг фойдаси шундаки, у ҳар қандай одам билан сўзлаша олиш имконини беради», — деган эди файласуф Аристипп. Юнонистоннинг Кирена шаҳрида туғилиб ўсган бу файласуфни невараси билан чалкаштириб юбормаслик учун Катта Аристипп, деб аташган. Аристипп аввал Протагор, кейинчалик Суқрот қўлида таҳсил олган. У роҳату ҳаловат инсон учун энг олий бахт, деб ҳисобловчи киреналиклар ёхуд гедонистлар мактабини яратган. Аристиппнинг энг садоқатли издошлари орасида унинг қизи Арета алоҳида ажралиб турарди. Арета отасининг ишини давом эттириб, муаллималик қилган ва ўғли Кичик Аристиппга ҳам фалсафа илмини ўргатган.**

**Аристипп Суқротнинг шогирдлари орасида биринчилардан бўлиб, тингловчилардан пул олиб устозига жўнатиб турган.**

*Ҳашамдорлик ва башанг кийинишни хуш кўрган нозиктаъб Аристипп олам кезиб, киборларча ҳаёт кечирган. Афсуски, унинг бирорта ҳам асари бизгача етиб келмаган.*

***

*Бир куни Аристипп ҳукмдор Дионисий ҳузурида дўстини ҳимоя қилди. Бирор наф чиқмагач, ўзини ҳукмдорнинг пойига ташлади. Буни кўрган сарой аъёнларидан бири уни мазах қилиб кулди.*

*Шунда Аристипп деди: «Айб менда эмас, балки қулоқлари оёқларида жойлашган Дионисийда».*

***

*Аристиппга бир масалани тақдим этиб:*

*— Ечиб бер-чи, — дедилар.*

*Файласуф уларга хитоб қилди:*

*— Эй, нодон, боғланган ҳолида кишиларни шунчалик ташвишга қўювчи бу тугунни ечмоқ нечун?*

***

*Бир куни мева-чева арчиб ўтирган файласуф Диоген йўлдан ўтаётган Аристиппга:*

*— Агар сен ҳам мана шу сабзавотларни еб қаноат қилганингда, мустабид ҳукмдор саройида хизмат қилишга мажбур бўлмас эдинг, — деди кинояли кулиб.*

*— Ўзинг эса, — деди Аристипп, — одамлар билан муомала қилмоқни билганингда сабзавот арчиб ўтирмасдинг.*

***

*— Жоҳил бўлиб яшагандан, қашшоқликда кун кечирган аълороқдир, — дейди Аристипп. — Чунки қашшоқлар пулдан, нодонлар эса одамгарчиликдан маҳрумдирлар.*

**Саида ЖЎРАЕВА**
**тайёрлади**

**Эндигина мактабга қатнай бошлаган Аброрни дадаси машинада мактабга элтиб қўйди. Дарс тугагач, ўртоқлари билан бирга уйга қайтишини тайинлаб, ўзи ишга кетди. Бироқ Аброр ўша куни уйга қайтмади. Онаси хавотир олиб, дадасига қўнғироқ қилди. Хавотир ва ҳадик энди отанинг ҳам қалбини қамраб олди. Орадан икки-уч соат вақт ўтиб, телефондан нохуш хабар эшитилди: «Ўғлинг қўлимда, 20000 АҚШ доллари берсанг, болангни қайтараман, акс ҳолда...»**

## Қилмиш — қидирмиш

# ЎҒЛИНИ ИККИ КУН КУТДИ

## учинчи куни эса...



— Аблаҳ, мен сени барибир топаман, телефон рақаминг менга тушиб турибди-ку...

— Ундай бўлса яна 5 минг кўкидан қўшиб тўлайсан...

Қарши шаҳрида яшайдиган С.Шукуров салкам қирқ ёшдалиги, қолаверса, тўрт нафар фарзанднинг отаси бўлишига қарамай, тайинли бир жойда ишламайди. Тўғри, совутгичларни таъмирлайдиган касб-кори бор. Шунинг орқасидан топиб-тутгани рўзғорга бемалол етади. Бироқ Сайдали шайтоннинг гапига кириб, бирданига бойиб кетишнинг пайига тушиб қолди. Пинҳона режасини ғузорлик қайнукаси Азаматга айтди. Қўрқиб кетган Азамат аввалига, йўқ, бу ишингга қўшилмайман, деб туриб олди. Бироқ Сайдали уни алдаб-сулдаб, йўлга солди. Касалманд жиянингни даволатишга катта пул керак, қолаверса, ҳамма оғирликни ўз зиммамга оламан, дея розилигини олди. Хуллас, улар ўша куни Сайдалига тегишли «ВАЗ 2106» машинасида Ғузорга келиб, Аброр ўқийдиган мактаб ёнида уни пойлаб туришди. Чунки улар Аброрнинг қайси мактабда ўқиши, қайси кўчада туриши, ота-онасининг мол-давлати ҳақида тўлиқ маълумот олиб улгуришганди.

Аброр мактабдан чиққач, изма-из кузатиб келдилар. Ўртоқлари билан бирбир хайрлашгач, Аброр тор кўчага кирганида «Жигули» уни қувиб етди.

— Ҳой бола, сен Адҳамнинг ўғлимисан?

— Ҳа, нимайди?

— Мен дадангнинг армияда бирга хизмат қилган оғайнисиман, тўйга таклифномам бор эди, юр, уйларингни кўрсатиб юбор.

Аброр, хўп, дея машинага ўтирди. Бензин қуйиш баҳонасида Сайдали машинасини Қовчин қишлоғи томон бурди. Шу тариқа почча ва қайнука Аброрни ўғирлаб Қовчин қишлоғига — Азаматнинг уйига яшириб қўйишди ва отасига юқоридагидек дағдаға қилишди.

— Ўғлингни излама, бўғирсоғинг менинг қўлимда, милицияга хабар қилсанг, ўғлингни қайтиб кўрмайсан...

Шу тахлит мулоқотлар фақат телефон орқали бўлди. Орадан яна икки кун ўтди. Бу орада Адҳам икки марта ўғли билан ҳам гаплашди. Учинчи куни Сайдали Адҳамга қўнғироқ қилиб, Қарши шаҳрига келиб айтилган пул эвазига ўғлини олиб кетишни таклиф қилди. Унгача тоқати тоқ бўлган ота ИИБ ходимларига хабар қилди. «Бор-йўғи» 6 миллион сўм «қармоқ» учига чувалчангдай қўйилиб, бола ўғрилари қўлга олинди. Суд жараёнида С.Шукуров ва А.Суюновлар барча айбини бўйнига олишди. Бола ўғрилари узоқ муддатли қамоқ жазосига тортилди.

**О.ЭЛМУРОДОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Ғузор тумани судининг раиси**


ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Кўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Махмудов Лазизжон Мирзаевич
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Шавкат САТТОРОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» ҳуқуқий газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Буюртма Г-1116. Тиражи — 8120. [t] — тижорат мақола.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.

Тел: 133-84-50, Факс: 133-95-31.

1 2 3 4